



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «15» июнь

VI-28-4-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

“2021 йилда Сурхондарё вилоятида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича манзилли ишларни амалга ошириш тўғрисида” вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Б.Мамановнинг ҳисоботи тўғрисида

Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этилиши, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада рағбатлантириш натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда:

тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида 40 та;

худудий инвестиция лойиҳаларини амалга худудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши натижасида 3 252 та;

ижтимоий соҳа объектлари лойиҳаларини ишга туширилишини натижасида 198 та;

юримдик шахс ташкил этган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1 839 та;

юримдик шахс ташкил этмаган ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорликни, шу жумладан, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 1 812 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Меҳнат органлари томонидан 12 288 нафар фуқароларнинг бандлигига кўмаклашилди. Шунингдек, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайтирилмоқда, шу жумладан, уларга вақтинча иш жойлари ва иш берувчиларни қидиришда кўмаклашилмоқда, ўзини ўзи банд қилиб ишлаш учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда;

иш берувчи жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларни ёллаш бўйича хизматлар кўрсатиш, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш масалалари бўйича маслаҳат ва услубий ёрдам бериб борилмоқда;

вақтинча ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга меҳнат қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимлар билан таъминлаш хизматларини кўрсатилмоқда;

“барча учун иш” тамойили асосида вақтинча ишларни ташкил этишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда, иш берувчилар ва ишловчиларга масофадан туриб хизматлар кўрсатиш кенг жорий этилмоқда.

2021 йилда Сурхондарё вилоятида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича манзилли ишларни амалга ошириш ҳақида вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Б.Мамановнинг ҳисоботи халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясида эшитилганлигини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят ҳокимининг молия-Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Б.Мамановнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига берган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг “Вилоятда 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича манзилли ишларни амалга ошириш тўғрисида” 2021 йил 25 майдаги 12-8-0-Q/21-сон қарори маъқуллансин.

3. Қуйидагилар:

а) вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (С.Худойбердиев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов), Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари биргаликда:

тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали 1 832 та;

ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали 11 604 та иш ўринларини ташкил этилишини;

б) вилоят ҳокимининг ўринбосари (И.Сапаров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов), Мактабгача таълим бошқармаси (З.Тўлаганов), Халқ таълими бошқармаси (С.Ҳамидова), Соғлиқни сақлаш

бошқармаси (К.Абдувоҳидов), вилоятдаги олий таълим муассасалари раҳбарлари, Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари биргаликда – ижтимоий соҳа объектлари лойиҳаларини ишга туширилишини таъминлаш орқали 394 та иш ўринларини ташкил этилишини;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов), Давлат Солиқ бошқармаси (С.Эшматов), Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Менглиев), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (А.Раҳмонов) ҳамда Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари биргаликда – юридик шахс ташкил этган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 5 161 та иш ўринларини ташкил этилишини;

г) вилоят Давлат Солиқ бошқармаси (С.Эшматов), Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов), Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Менглиев), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (А.Раҳмонов) ҳамда Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари биргаликда – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда яқка тартибдаги тадбиркорликни, шу жумладан, хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 3 764 та иш ўринларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Вилоят Бандлик бош бошқармаси (С.Жумаев) – меҳнат органлари томонидан 19 325 нафар фуқаролар бандлигига кўмаклашишга, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов) билан биргаликда – масъул давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Давлат дастури ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштиришга масъул эканлиги белгилансин.

5. 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича Давлат дастури ижросини таъминлашга масъул бошқармалар, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳар ой якунига кўра кейинги ойнинг 1-санасига қадар тегишли маълумотларни умумлаштириш учун вилоят Бандлик бош бошқармасига тақдим этиб борсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёқубов) зиммасига юклансин.

7. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.